

Нозим МАМАТОХУНОВ,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
мустақил тадқиқотчиси*

ИЁДИЙЛАР ОИЛАСИНИНГ ХАЛҚ ОРАСИДАГИ МАВҚЕИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

Иёдийлар оиласи вакиллари Абу Наср ал-Иёдий, Абу Аҳмад ал-Иёдий ва Абу Бакр ал-Иёдийлар ўз замонасининг етук фақиҳлари ва мутакаллим олимлари сифатида фаолият олиб борганлар. Абу Наср ал-Иёдий эса, ислом оламида кўзга кўринган олим Абу Мансур ал-Мотуридийнинг устози бўлган. Абу Мансур ал-Мотуридий айнан Абу Наср ал-Иёдийдан исломий билимларни рационал (*ақлга таяниб*) тушуниш тамойилларини ўрганган.

Абу Наср ал-Иёдий Абу Ҳанифанинг содиқ издоши сифатида ўз фаолиятини олиб борган. Абу Мансур ал-Мотуридий яшаган даврда турли хил ақидавий фирқалар вужудга келиб, ўзларининг ботил ақидавий таълимотларини бутун ислом оламига тарқатаётган эдилар. Абу Мансур ал-Мотуридий бундай фирқаларга уларнинг тушунчалари асоссизлигини рационалистик (ақлий) йўл билан тушунтириб, аҳли сунна вал-жамоа таълимотини муҳофаза қилди.

Юқорида Абу Мансур ал-Мотуридийнинг устозларидан бири Иёдийлар оиласининг етук намоёндаларидан бири – Абу Наср ал-Иёдий эканлиги айтиб ўтилди.

Манбаларга кўра, аллома ҳақида бир қанча асарлар маълумот келтиради. Жумладан, Абу Наср ал-Иёдий ҳақида қуйидагиларни учратиш мумкин: “Абу Наср ал-Иёдий йигирма ёшларидаёқ ўзининг барча тенгдошларидан ўзиб кетган¹. Ал-Ҳаким ас-Самарқандий маълумотида кўра, Абу Наср ал-Иёдий Куръон оятларини онгли равишда соддалаштириб, халқни оғдирмоқчи бўлган ҳар қандай ашаддий бидъатчи ва баҳслашувчиларни бир неча сўз билан жим бўлишига мажбур эта олган².

Тарихий манбаларнинг яна бирида шундай маълумотни учратиш мумкин: “Мазкур олимнинг тўлиқ исми Абу Наср Аҳмад ибн Аббос ал-Иёдийдир. У Иёд ибн Яҳё ибн Қайс ибн Саъд ибн Убода ал-Ансорий сулоласининг вакили бўлган. Абу Наср ал-Иёдий аш-Шайх ал-Фақиҳ Абу Бакр ал-Жузжоний ва ал-Фақиҳ ал-Имом Абу Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ал-Жузжонийнинг шогирди бўлган³.

¹ Абу Муин ан-Насафий. Табсирату-л-адилла фи Усул ад-Дин ала Ториқати-л-Имам Аби Мансур ал-Мотуридий. Ал-Маъҳад ал-Илмий ал-Фарансий ли-д-дирасат ал-арабийя би Димашқ 1-жузъ, 1990 й. 1. – Б. 357.

² Ўша асар. – Б. 357.

³ Ибн Яҳё ибн Исҳоқ. Шарҳ жумал усул ад-Дин. Истамбул. – Сулаймания.: – Фонд “Shehid Ali Pasha”. Кўлёзма №1648, варак. 160-б

Абу Наср ал-Иёдий Дарул-Жузжонияда 40 та аскет (*зуҳҳад*)ларни бошқарган⁴. У машхур илоҳиётчилар – Абу Мансур ал-Мотуридий ва ал-Ҳаким ас-Самарқандийларнинг устози бўлган⁵. Олимнинг бир қанча асарлари мавжуд. Мазкур асарлар калом илмига тааллуқли асарлар бўлиб, уларда аллома яшаган даврдаги адашган ақидавий оқимларга қарши раддиялар баён қилинган. Асар Аллоҳ таолонинг сифатларига тегишли ақидавий масалаларни ўз ичига олади. Лекин ҳозирги кунда мазкур асарлар қўлга киритилмаган. Бизгача етиб келмаган.

“Шарҳ жумал усул ад-дин”нинг муаллифи 15 йил давомида аш-шайх аш-шаҳид Абу Аҳмад Наср ибн Аҳмад Иёдий ҳам отасида ўқиган. Лекин отаси қазо қилганда ўғли вояга етмаган (собий) эди⁶. Абу Наср ал-Иёдий калом ва фикҳ илмларида ўзининг мустақил йўналишига эга бўлган ва ўз замонасида кўзга кўринган олим эди. Абу Наср ал-Иёдий жуда фаол ғозий бўлган. У Наср ибн Аҳмаднинг турк (этикодсиз-кофир)ларга қарши курашда тахминан 890 йилда вафот этган⁷. Мазкур давр олимлари Абу Наср ал-Иёдийга ниҳоятда жасур ва иродаси бўлинмас шахс сифатида таъриф берганлар,⁸ уни нафақат жангчи, балки олим сифатида ҳам эътироф этганлар⁹. Бу уни дин йўлидаги абадий қаҳрамонга айлантирди. Шу боис олимнинг хотираси ҳамиша эъзозланган.

Немис олими У.Рудольф ўзининг тадқиқотларидан қуйидаги хулосага келади: “Абу Мансур ал-Мотуридийнинг устозларидан бири Абу Бакр ал-Жузжоний мутакаллим бўлиши мумкин эмас эди ва айнан мана шу олимдан Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абу Наср ал-Иёдий фақатгина ҳанафийлик

ҳукукини ўрганганлар”¹⁰. Демак, Абу Наср ал-Иёдий ҳанафийлик ҳукукини яхши биладиган эътиборли фақиҳ ҳам бўлган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мамлакатда Абу Насрнинг илми, ҳудожўйлиги, китобатида (асарлар ёзишда), сабр-тоқат ва жасурлигига тенг келадиган келадиган ва унинг ўрнини алмаштирадиган ҳеч ким йўқ эди¹¹.

Абулқосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий ва Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотларининг қиёсий таҳлили шуни англатадики, улар ўртасидаги бир хиллик кўп. Шу сабабдан кейинги олимлар тасдиқлаётган ал-Ҳаким Абу Мансурнинг издоши бўлган, деган фикр нотўғри бўлиб чиқади.

Абулқосим ҳали жиддийлик билан рационал илоҳиёт билан шуғулланишни бошламаган ҳанафий олимлари орасида танилиб борар эди¹². У Абу Мансур билан бир даражада бўлган ва уларнинг иккиси эса Абу Наср ал-Иёдийнинг шогирди сифатида фаолият олиб борганлар¹³. Ал-Ҳакимнинг баъзи жиҳатлари оқланган бўлса-да (*маслан, солиҳ, адиб, лаҳу сийра маҳмуда*¹⁴), лекин тасаввуф аҳллари (*аҳл ал-маърифат ва арбаб ал-карама*) томонидан баъзи хислатлари қораланган. Масалан, бир куни Шавдари Самарқандда дафн этилган аш-Шайх Иброҳим ал-Кудакий Абулқосим катта узук тақиб юрганда унинг бу ишини қоралаган ва уни шаршарага улоқтириб юборишини айтган. Аш-Шайх Иброҳим ал-Кудакий вафотидан олдин ал-Ҳаким ас-Самарқандий ва Абу Аҳмад ал-Иёдийни дунёга муҳаббат қўйишда айблайди¹⁵.

Қолаверса, ал-Ҳакимнинг ўзи ҳам Абу Аҳмадни дунёга интилишини айблайди. Шундай ривоят борки, Абулқосим бир куни Абу Аҳмад ал-Иёдийни уйига меҳмонга чақиради. Ал-Ҳаким меҳмондан: “Таҳорат қилинган нарса

⁴ Ибн Яҳё ибн Исҳоқ. Шарҳ жумал усул ад-Дин. Истамбул. – Сулаймания.: – Фонд “Shehid Ali Pasha”. Қўлёзма №1648, арақ 160-б.

⁵ Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд. Назар Муҳаммад ал-Фаробий. Ар-Риёд. Мактабату-л-Кавсар. 1412 ҳ.й.-1991й. – Б. 425

⁶ Ибн Яҳё ибн Исҳоқ. Шарҳ жумал усул ад-Дин. Истамбул. – Сулаймания.: – Фонд “Shehid Ali Pasha”. Қўлёзма № 1648, арақ 160-б.

⁷ Абу Муин ан-Насафий. Табсирагу-л-адилла фи Усул ад-Дин ала Торикати-л-Имам Аби Мансур ал-Мотуридий. Ал-Маъҳад ал-Илмий ал-Фарансий ли-д-дирасат ал-арабий би Димашк, 1-жузъ, 1990 й. 1. – Б. 356.

⁸ Ўша асар. – Б. 356.

⁹ Ибн Абу ал-Вафо ал-Қараший ал-Ҳанафий. Ал-Жавоҳир ал-Мудийя фи ат-Табокот ал-Ҳанафия. Дар ал-Улум би-р-Риёд. 1-жузъ. 1413 ҳ.й. 1993 м.й., – Б.70.

¹⁰ Рудольф У.А. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Тошкент.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001, – Б. 101 – 102.

¹¹ Ибн Абулвафо. Жавоҳир. 1-жузъ. – Б. 178;

¹² Рудольф У.А. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Тошкент.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001, – Б. 79.

¹³ Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламо Самарқанд. Назар Муҳаммад ал-Фаробий. Ар-Риёд. Мактабату-л-Кавсар. 1412 ҳ.й. 1991й. – Б. 425.

¹⁴ Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб. 4 жилд. Абдуллоҳ ибн Умар ал-Борудий таҳрири остида. –Байрут: Дор ал-фикр, 1998. Б. 207 – 208.

¹⁵ Насафий, Қанд. – Б. 59.

(сув)га яна бир марта таҳорат килса бўлдимиз?”, деб сўрайди. Мезбон бу иш бўлмаслиги ҳақидаги жавобни олгач, меҳмонга шундай дейди: “Мана шу ҳолат диний билим (илм)га ҳам тегишлидир. Агар у шу дунё (дуня) учун ишлатилса, уни нариги дунё (ахира)да фойдаси бўлмайди. Сен ўзингдаги илмни мансаб ва бойлик (дуня ва риаса) учун ишлатдинг. Сен илминг билан дунёвий мақсадларинг йўлида фойда кўрдинг”. Абу Аҳмад ал-Иёдий ҳеч нарса емай, туриб чиқиб кетади¹⁶. Мана шундай ҳолатларга қарамасдан ал-Ҳаким ас-Самарқандий Чокардизага дафн этилган¹⁷.

Абу Саъд шундай деган: “Мен Абу Наср Муҳаммад ибн Ас-Самарқандий шундай деганини эшитдим: “Мен Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Фақиҳ шундай деганини эшитдим”: Мен Абу Наср ал-Иёдийнинг шундай деганини эшитдим”: **Насиҳатни тарк этиш тартибсизликларга олиб келади**”¹⁸.

Абу Насрнинг мана шу ҳикматли сўзларидан шуни англашимиз мумкинки, соф диний таълимотларни аҳолига ёйиш ва улар орасида турли ихтилофларга барҳам бериш ҳар бир олимнинг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Агар мана шу ишлар қилинмаса, халққа турли ғоя ва мафқурани сингдиришга ва халқ орасида келишмовчиликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилувчи ғаразли ниятли кимсалар пайдо бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Иёдийлар яшаган даврдаги аҳли сунна вал-жамоанинг фаолияти ва уларга хос хусусиятлар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги матнларда ўз аксини топади:

1. Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақида нолойиқ ҳеч нарса гапирмаслик.

الاول— أن لا يقول في الله شيئاً لا يليق بصفاته

2. Қуръон Аллоҳнинг каломидир. У яратилган (махлук) эмас.

والثاني— يقر بأن القرآن كلام الله وليس بمخلوق

3. Жума ва икки ҳайит намозларини хоҳ яхши (бирр), хоҳ ёмон (фожир) бўлган имом орқасидан туриб ўқиш керак.

¹⁶ Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ануш ал-Бухорий ал-Хасирий, «Ал-Ҳавий фи-л-Фатово», 2, Истанбул, -Сулаймания., Фонд-«Некимоглу Али Паша», Қўлёзма № 278 а. Варақ 278 а

¹⁷ Самъоний, Ансаб. 4-жилд. – Б. 208.

¹⁸ Ўша асар. 1-жузъ. – Б. 178.

والثالث يرى الجماعة والعديد من خلف كل بر وفاجر

4. Тақдирнинг яхшисини ҳам, ёмонини ҳам Аллоҳ азза ва жалладан деб билиш.

والرابع— يرى القدر خيره وشره من الله تعالى عز وجل.

5. Масҳни маҳсининг устидан тортиш керак, (ал-масҳ ала-л-хуффайн).

والخامس— يرى المسح على الخفين.

6. (Ҳеч қачон) Амирга қарши қилич кўтарилмайди.

والسادس— لا يخرج على الأمير بالسيف.

7. Абу Бакр ва Умарни бошқа саҳобалардан кўра афзал деб билиш(шиаларга қарши тезис);

والسابع— يفضل أبو بكر وعمر على سائر الصحابة.

8. Қибла аҳлидан ҳеч бир гуноҳкор гуноҳи туфайли кофир бўлмайди.

والثامن— لا يكفر أحد من أهل القبلة بذنوب.

9. Қибла аҳли (аҳлул-қибла)дан кимки вафот этса, унга намоз (жаноза) ўқилади.

والتاسع— نصلي على من مات من أهل القبلة.

10. Жамоатни раҳмат деб, фирқаларга бўлинишни офат деб билиш зарур.

والعاشر— يرى الجماعة رحمة والفرقة عذابا

Абу Бакр ал-Иёдийга тегишли бўлган бир матн борки, бу матн унинг мўътазиллийлар билан олиб борган ўнта ақидавий мунозараларидан иборат. Абу Бакр ал-Иёдий кимнинг фикрлари Қуръон, сунна ва бошқа ислом уламоларининг фикрларига тўғри келса, ўшаларни «аҳли сунна вал-жамоа» қаторига қўшган. Абу Бакр ёзиб колдирган ушбу мунозалар «ал-Масаил ал-ашр ал-Иёдия» деб номланади¹⁹.

Абу Бакр Иёдий қуйидаги ақидавий масалалар бўйича баҳс-мунозара олиб борган:

١) إن الله تعالى خلق أفعال العباد. وأفعالهم بقضاء

الله ومشيتته.

¹⁹ Муҳаммад ал-Хасирий. “ал-Ҳавий фи-л-Фатово”. Берлин кутубхонаси, Orient Quart қўлёзмаси, №251а 252-б.

1. Аллоҳ таолонинг бандаларнинг хатти-ҳаракатларини яратган. Уларнинг хатти-ҳаракатлари Аллоҳнинг амри ва хоҳиши билан амалга ошади.

(۲) وَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى خَالِقُ لَمْ يَزَلْ. وَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَهُ عِلْمٌ وَهُوَ مَوْصُوفٌ بِهِ فِي الْأَزَلِ لَا هُوَ وَلَا غَيْرُهُ.

2. Аллоҳ таоло абадий яратувчи. Аллоҳ таолонинг ўзи билан аввалданок сифатланган илми бор, лекин у илм Аллоҳнинг ўзи ҳам эмас, Ундан бошқа нарса ҳам эмас.

(۳) وَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَجُوزُ أَنْ يَرَى فِي الْآخِرَةِ بِلَا إِدْرَاكَ وَلَا إِحَاطَةٍ لَا كَيْفِيَّتَهَا؛ وَلَكِنْ يَجُوزُ أَنْ يَكْرُمَ اللَّهُ تَعَالَى بِالرُّؤْيَا مِنْ عِبَادِهِ مَنْ يَشَاءُ كَيْفَ يَشَاءُ.

3. Аллоҳ таолони Қиёмат куни кўриш мумкин. Лекин Уни кўриш ҳеч қандай идроксиз, тасаввурсиз, ҳеч бир усулсиз бўлади. Лекин Аллоҳ таоло кимгаки Ўзини кўришни икром қилса, ўша бандасига Ўзи хоҳлаганича кўринади.

(۴) وَإِنَّ الْقُرْآنَ كَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى، وَكَلَامُ اللَّهِ تَعَالَى غَيْرُ مَخْلُوقٍ وَلَا مُحَدَّثٍ.

4. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломидир. Аллоҳнинг каломи яратилган (*маҳлуқ*) эмас ва янги пайдо бўлган нарса (*муҳдас*) ҳам эмас.

(۵) وَإِنَّ أَهْلَ الْكِبَائِرِ مِنَ الْمُوَحِّدِينَ فِي مَشِئَةِ اللَّهِ، إِنْ شَاءَ غُفِرَ لَهُمْ فَضْلًا مِنْهُ وَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ بِقَدْرِ ذُنُوبِهِمْ عَدْلًا مِنْهُ وَيَكُونُ عَاقِبَتُهُمُ الْجَنَّةُ.

5. Муслмонлардан гуноҳи кабира қилганлар Аллоҳ таолонинг хоҳишидалар. Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, уларни ўз фазли билан кечиради ва агар хоҳласа, уларнинг қилган гуноҳлари миқдорида Аллоҳ таоло ўз адолати билан азоблаши мумкин. Улар азобдан кейин жаннатга борадилар.

(۶) وَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ وَيَحْكُمُ مَا يَرِيدُ، إِذَا كَانَ أَصْلَحَ لِلْعِبَادِ أَوْ لَمْ يَكُنْ، لَا يَسْتَلْ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يَسْتَلُونَ.

6. Аллоҳ таоло хоҳлаган ишини қилади ва хоҳлаган нарсасини ҳукм қилади. Бандага яхши ёки ёмон бўлишидан қатъи назар, Аллоҳ ҳукми муҳокама қилинмайди. Лекин у(*бандалар ўз қилган ишлари*)лар ҳақида сўраладилар.

(۷) وَإِنَّ شَفَاعَةَ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَقٌّ لِأَهْلِ الْكِبَائِرِ مِنْ أُمَّتِهِ.

7. Пайғамбар(сав)нинг шафоатлари умматларидан катта гуноҳ қилганларга ҳам бўлади.

(۸) وَإِنَّ عَذَابَ الْقَبْرِ حَقٌّ.

8. Қабр азоби ҳақдир.

(۹) وَإِنَّهُ يَرْجِي مِنَ اللَّهِ تَعَالَى أَنْ يُعْطِيَ الْعِبَادَ مَا يَسْأَلُونَ مِنْ دَعَائِهِمْ؛ وَفِي الدَّعَاءِ حِكْمَةٌ وَفَائِدَةٌ.

9. Бандалар дуоларида нимаики сўрасалар, Аллоҳ таоло томонидан берилишига умид қилинади. Дуода ҳикмат ва фойда бордир.

(۱۰) وَإِنَّ الْقَدَرَ خَيْرٌ وَشَرٌّ مِنَ اللَّهِ.

10. Тақдирнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳ таолодандир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Абу Ҳанифанинг тамойиллари Абу Бакр ал-Иёдийгача соф ҳолда етиб келган. Абу Бакр ал-Иёдийдан кейинги олимлар ҳам мазкур йўналишда фаолият олиб борганлар. Мазкур мунозарали масалалар Иёдийлар оиласига оид ягона илмий аҳамиятга эга бўлган манба ҳисобланади.

Иёдийлар оиласи вакиллари ўз даврида халқ орасида обрўли ва ҳурмат эътиборга лойиқ олимлардан бўлганлар. Улар халқни суннийлик таълимотидан адашиб кетмасликлар учун адашган ақидавий оқимларга қарши фаолият олиб борганлар ва халқ учун хизмат қилганлар. Мана шу каби олимларнинг ҳаётларини ўрганиш ва уларнинг илмий меросларини тадқиқ этиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки бизнинг давримизгача турли ғаразли оқимлар етиб келганлар ва халқимизни тўғри йўлдан оғдирмоқчи бўлмоқдалар. Уларга қарши «Жаҳолатга қарши маърифат билан» курашиш йўлида мана шу каби тадқиқотлардан фойдаланиш мумкин.